

РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ ТАРҒИБОТ МАРКАЗИ

И. САИФНАЗАРОВ
Ф. САИФНАЗАРОВА

МАФКУРАВИЙ ХУРУЖЛАР НИМА?

Саифназаров И.

Майкуравий хуружлар нима? / И. Саифназаров,
Ф. Саифназарова; масъул муҳаррир Қ. Қуранбоев; Республика маънавият тарғибот маркази. – Тошкент:
«Маънавият», 2015. – 32 б.

ISBN 978-9943-04-246-9

Бугунги кунда Президентимиз Ислам Каримовнинг «Юксак маънавият – енгилмас куч» асари мафкуравий хуружларнинг туб моҳиятини англашда ёшларимизга дастуриламал бўлиб келмоқда. Глобаллашув жараёнида «Фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш» ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ.

Қўлингиздаги ушбу қўлланма эса замон билан ҳамнафас равишда юқоридаги мавзуларни англашда ас қотади.

Рисола барча олий ўқув юртлари талабалари, лицей ва коллеж ўқувчилари ҳамда кенг китобхонларга мўлжалланган.

УЎК:316.75

КБК:60.56

М а с ъ у л м у ҳ а р р и р:

*сиёсий фанлар доктори **Қ. Қуранбоев***

Т а қ р и з ч и л а р:

*фалсафа фанлари доктори **А. Мухтаров***

*фалсафа фанлари доктори профессор **Б. Алиев***

КИРИШ

XXI асрнинг энг муҳим хусусиятларидан бири – глобаллашув жараёнларидир.

Ушбу атамани биринчи бўлиб америкалик социолог Р. Робертсон қўллаган ва унинг «глобаллашув – бу халқаро аҳамиятга эга турли омилларнинг, жумладан, иқтисодий ва сиёсий алоқаларнинг, маданий ва ахборот алмашувларининг алоҳида мамлакатларнинг ижтимоий воқелигига таъсири»¹ – деган таърифи умумэтироф этилган.

Глобаллашув жараёнларининг жадаллашиши транс-миллий корпорациялар иқтисодий ва сиёсий манфаатларининг кучайиши, умумжаҳон миқёсида фаолият олиб борадиган молия-банк институтлари ва савдо манфаатларининг тез ривожланиши, ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги инқилобий ўзгаришлар натижаси бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ўзининг «Юксак маънавият – енгилмас куч» асарида кўрсатиб ўтганидек, *«Ҳар қандай ижтимоий ҳодисанинг ижобий ва салбий томони бўлгани сингари, глобаллашув жараёни ҳам бундан мустасно эмас»*².

Ҳақиқатан ҳам глобаллашув, бир томондан, миллий чегараларни нисбийлаштириб, халқаро меҳнат тақсмотини мисли кўрилмаган даражада байналлаштирди, капитал, товарлар ва иш кучини дунё бўйлаб эркин ҳаракат қилишига, илм-фан ютуқларининг, замонавий ахборот ва коммуникация технологияларининг кенг тарқалишига йўл очиб берди, иккинчи томондан эса турли сиёсий кучлар ўз ғаразли мақсадларида фойдаланишга уринаётганларнинг қўлига мафкуравий таъсир ўтказишнинг ниҳоятда ўткир куралини тутқазди.

Бу борада Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг собиқ Бош котиби К. Аннан: *«миллионлаб фуқаролар ўз тажрибасида глобаллашув тақдир совғаси эмаслигига, балки уларнинг моддий фаровонлигини ёки одатий турмуш тарзини қўпораётган куч эканлигига ишонч ҳосил қилмоқдалар»* – деган эди.

Глобаллашув имкониятларини ишга солаётган қора кучлар «оммавий маданият» ниқобидан усталик билан фойдаланиш орқали мафкуравий хуружларни кучайтиришга интиломоқдалар. Бундай таҳдидлар ўта хавфлидир. Чунки, давлатимиз раҳбарининг таърифи билан айтганда, «бугунги замонда мафкура полигонлари ядро полигонларидан ҳам кўпроқ кучга эга»¹ бўлиб бормоқда.

Ана шундай шароитда халқимизда, айниқса, ёшларда мафкуравий иммунитетни шакллантириш мустаҳкамлаш, фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат билан самарали кураш олиб бориш жуда муҳимдир.

МАФКУРАВИЙ ХУРУЖЛАРНИНГ ТУБ МОҲИЯТИ

Мафкура (юнонча «ιδέα» – «ғоя» ва «λόγος» – «таълимот» сўзларидан) – сиёсат субъектлари: миллатлар, жамият, синфлар, сиёсий партиялар, ижтимоий ҳаракатларнинг манфаатларини ифода этадиган концептуал ғоялар тизими ҳисобланади. Бу атамани биринчи бўлиб муомалага киритган француз файласуфи Антуан Деспот де Траси мафкурани сиёсий қарашлар асосини ташкил этадиган ғоялар тўғрисидаги таълимот сифатида баҳолаган¹.

Ҳозирги вақтда мафкура сиёсат мақсадларини белгилаб берар экан, сиёсий фаолият режаларини шакллантириб, уларни амалга ошириш воситаларини танлайди, кенг оммани белгиланган сиёсатни амалга оширишга сафарбар этади.

Ҳар бир даврда бўлгани каби жаҳон мамлакатларида турли сиёсий кучларнинг мафкуралари ҳукмронлик қилган. Мустабид тузум даврида коммунистик партиянинг мафкураси Ўзбекистоннинг қадимий тарихи, бой маданий мероси, урф-одатларини оёқ ости қилган, жаҳон тамаддуни дурдоналари бўлган обидаларимизни тупрокқа қориштириб ташлаган, ўзбек тилини қўллаш доирасини сунъий равишда чеклаган, халқнинг энг табарруқ байрами – Наврўзни ҳам тақиқлаб қўйган².

Бу бежизга эмасди, чунки Президентимиз кўрсатиб ўтганидек: *«инсониятнинг қўп минг йиллик тажрибаси шундан далолат берадики, дунёдаги зўравон ва тажовузкор кучлар қайси бир халқ ёки мамлакатни ўзига тобе қилиб, бўйсундирмоқчи, унинг бойликларини эгалламоқчи бўлса, авваламбор, уни қуролсизлантиришга, яъни энг буюк бойлиги бўлмиш миллий қадриятлари, тарихи ва маънавиятидан жудо қилишга уринади»*¹.

Шу билан бирга давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигига эришган дастлабки кунлардан бошлаб, халқимизнинг асрлар давомида шаклланган маънавий қадриятларини тиклаш муҳимлигини алоҳида уқтирган эди: «Мен шуни айтишим керакки, бизга зарба бўлиб тушган энг оғир танглик иқтисодий эмас, балки маънавий танглиқдир. Асрлар мобайнида қарор топган ахлоқий-маънавий қадриятларни ғоявий қарашларга қурбон қилиш оқибатларини бартараф этиш иқтисодиётни тартибга келтиришдан кўра анча машаққатли бўлади»².

Ҳозирги даврда мафкуравий хуружлар ҳам халқларнинг маънавий қадриятларини топташ, инсоннинг муайян миллатга, жамиятга мансублиги, илдизларига болта уриш, унга «оммавий маданият»ни сингдириш орқали ғаразли мақсадларига эришишни кўзлайди.

Мафкуравий хуружлар аслида нима деган саволга Президентимиз ««Ўксак маънавият – енгилмас куч»» асарида шундай дейди: «мафкуравий хуружлар – бу «оммавий маданият» деган ниқоб остида ахлоқий бузуқлик ва зўравонлик, индивидуализм, эгоцентризм ғояларини тарқатиш, керак бўлса, шунинг ҳисобидан бойлик орттириш, бошқа халқларнинг неча минг йиллик анъана ва қадриятлари, турмуш тарзининг маънавий негизларига беписандлик, уларни қўпоришга қаратилган таҳдидлар»¹ дир.

Халқимизнинг асрлар давомида шаклланган урф-одатлари, анъаналарига кўра, ота-онага, катта ёшдаги кишиларга, маҳалладошларига чуқур эҳтиром кўрсатиш, жамоа фикрини ҳурмат қилиш, ҳар бир воқеа ва ҳодисага босиқлик, мулоҳаза ва андиша билан муносабатда бўлиш каби фазилатлар юксак қадрланади. Бунинг акси ҳисобланган индивидуализм, яъни шахсиятпарастлик – бу ўз манфаатини

бошқалардан жамият, халқ манфаатларидан устун қўйишга интилиш, фақат «ўзим бўлай» қабилида иш тутиш, уларнинг дунёқараши, худбинликка мойилдир.

Эгоцентризм (лотинча «ego» – «мен», «centrums» – «марказ» сўзларидан) – индивидуализм тушунчасига яқин бўлиб, асл маъносига кўра ҳамма нарсани ўзи ва ўз манфаати билан боғлаб яшашни англатади. Бундай тушунчага эга бўлган шахс фақат ўзининг шахсий мақсад ва манфаатларини ҳаммага сингдиришга ҳаракат қилади, бошқаларнинг ўзига хос табиий интилишларини ҳолисона қабул қила олмайди. Эгоцентризм ўзгаларнинг хоҳиш ва истаклари билан ҳисоблашмаслик, ўз фикрининг нотўғрилигини билса ҳам, ўзгалар фикрини инобатга олмаслик тамойилларига асосланади.

Индивидуализм ҳам, эгоцентризм ҳам Шарқ маданияти, бевосита ўзбек халқи табиатига ёт иллатлардир. Аҳиллик ва тотувлик, кўпчилик билан бамаслаҳат иш кўриш, ўзаро меҳр-оқибат халқимизнинг асл қадриятлари сирасига киради. Юртимиз маҳаллаларида ана шу миллий қадриятлар яққол намоён бўлади.

Худбинлик ва эгоцентризм манфаатпарастлик, маҳаллийчилик, коррупция каби иллатларга қўшилиб кетиши жиддий салбий оқибатларга олиб келишини ёддан чиқармаслик керак.

Мафкуравий хуружлар бирор давлат, миллат ва жамиятнинг барқарорлигига қарши қаратилган бўлиб, конституциявий тузумни заифлаштиришни мақсад қилиб, энг аввало, инсоннинг руҳий дунёсига тажовуз қилади.

Мафкуравий хуружларнинг буюртмачилари ғаразли мақсадларига эришиш учун ҳар қандай усуллардан фойдаланишади. Бунда инсоннинг руҳига таъсир кўрсатадиган замонавий усуллар: урф бўлган санъат асарлари, оммавий ахборот воситалари, айниқса, интернетдан усталик билан фойдаланишга ҳаракат қиладилар.

Маънавиятга қарши қаратилган ҳар қандай тажовуз, таҳдид ўз-ўзидан мамлакатнинг миллий манфаатлари учун жиддий хатарлардан бири, баркамол авлодни тарбиялаш йўлидаги хавфдир.

Мафкуравий хуруж усуллари турлича бўлиб, таҳдидларга буюртма берувчилар кўпинча жозибали ғоялар, турли ниқоблардан фойдаланган ҳолда иш кўрадилар. Улар бунинг учун маблағни ҳам аяшмайди.

Мафкуравий хуружларнинг усуллари турлича бўлгани билан бундан кўзланган мақсадлар аниқ.

Мафкуравий таҳдидлар қуйидагиларда намоён бўлмоқда:

- ҳар бир давлат, миллат учун хос бўлган тараққиёт стратегиялари ва режаларига шубҳа уйғотиш;
- жамиятда, айниқса, ёшларда миллий қадрият туйғуларини заифлаштириш, уларга ҳаёлий, виртуал фароғат, ҳузурни ваъда қилиш;
- миллий урф-одатларга ёт бўлган ҳаёт тарзини зўр бериб тикиштириш;
- худбинлик ва шахсиятпарастликни турли жозибали усуллар билан тарғиб қилиш ва ҳоказолар.

«Оммавий маданият» номини олган, юқорида қайд қилинган ғаразли мақсадларга йўналтирилган усул, айниқса, кенг тарқалган.

«Оммавий маданият»нинг шаклланиши ва кенг қўламли хусусиятга эга бўлиши, биринчи навбатда, санъат ва адабиётнинг тижоратлаштирилиши билан боғлиқдир.

Россиялик олим П.А. Сорокин бундай тенденция XX аср ўрталаридаёқ яққол кўзга ташланганлиги тўғрисида қуйидаги фикрларни билдирган: *«Санъат кўнгилочарлик учун тижорат товари сифатида савдо корчалонлари, тижорат манфаатлари ва урф таъсири билан тобора назорат остига олинмоқда... Бундай вазият тижорат корчалонларини нафосатнинг олий ҳакамларига айлантирмоқда, ижодкорларни уларнинг талабларига бўйсундирмоқда, бу яна реклама ва оммавий ахборот воситалари ёрдамида зўрлаб тикиштирилмоқда»*¹.

Файласуфлар ўтган асрдаёқ «оммавий маданият» ўз моҳияти жиҳатидан ғайриинсоний хусусиятга эга бўла бошлагани ҳақида бонг ура бошладилар. Хусусан, машҳур немис файласуфи Карл Теодор Ясперс *«оммавий маданият»ни «санъат моҳиятининг таназзули»²* деб баҳолаган бўлса, испан файласуфи ва социологи Ортега-и-Гассет Хосе унинг ғайриинсоний тус олаётганлигини кўрсатган³. Улар «оммавий маданият» фақат айрим ташқи кўринишлари бўйича санъат ва нафис адабиёт асарига ўхшаши, туб моҳияти жиҳатидан эса сунъий, сохта эканлигини таъкидлайдилар.

«Оммавий маданият»нинг жуда тез тарқалиши оммавий ахборот ва коммуникация воситалари ёрдамида кенг оммани қамраб олиш орқали, ўз таъсирини жаҳондаги барча давлатларга ўткази бошладилар. Кейинроқ компьютер ва интернетнинг пайдо бўлиши уларнинг ахборотни тарқатиш имкониятларини чексиз даражага кўтарди. Бевосита оммавий ахборот воситалари «оммавий маданият»ни тарқатишнинг асосий воситасига айланди.

Ўз навбатида, «оммавий маданият»нинг тижорат маҳсулотларини тайёрлаш ҳам узлуксиз – конвейер усулига ўтказилди. Бу маҳсулотларнинг ўзи ҳам оммавий, кундалик истеъмол қилишга мўлжалланган бўлиб, уларни чуқур билим, ноёб истеъдод, маҳорат, олий қадриятлар эмас, технологик, иқтисодий, энг аввало, тижорат воситалари шакллантиради. «Оммавий маданият» инсоний фазилатларни шакллантириш ва ривожлантириш, шахснинг билимларини ошириш ва чуқурлаштириш, маънавий дунёсини бойитишга эмас, балки фойда олишга қаратилган бўлиб, у харид қилиниши талаб этилади. Бунинг учун шахс ва жамиятга оммавий ахборот ва коммуникация воситаларидаги реклама орқали оммабоп ва урф бўлган, деб ҳисобланадиган «оммавий маданият» маҳсулотлари зўрлаб тикиштирилади.

«Оммавий маданият»нинг асосий йўналишлари ва кўринишлари

- **бўш вақтни ўтказиш индустрияси.** У юқори дидли, талабчан бўлмаган оммавий истеъмолчиларга мўлжалланган енгил-елпи, саргузашт адабиёт, комикслар, кўнгилочар фильмлар, шоу индустриясининг турли соҳаларини қамраб олади. Шоу бизнес эса асосий эътибор томошаларнинг ташқи эффектларига қаратилади. Бу билан маъно мазмунига эга бўлмаган асарларни усти ялтироқ ҳолатда тасвирлашга зўр берилади;

- **Имиджни шакллантириш индустрияси.** Бунга урф бўлган деб тикиштириладиган, шахснинг ташқи кўриниши билан боғлиқ кийим-кечак, сочи турмаклаш, атир-упалар, заргарлик буюмлари, хонадон интерьер ва дизайни, автомобиллар, мотоцикллар ва бошқа нарсалар киради. Бунда имидж нуфузли, обрўли ҳисобланиб, воқелик ёқимли, ором бахш этаётгандек туюлган хомтамалар билан алмаштирилади. Ана шу юзакилик, хом хаёллиқ «оммавий маданият»нинг тижорат мақсадларига эришиш учун жамоатчилик фикрини чалғитиш ва алдашга имконият яратади;

- **Оммавий истеъмол талабини шакллантириш ва рағбатлантириш тизими.** Ушбу тизим реклама, мода ҳамда турли буюмлар, хизматлар ва ҳоказолар, ҳатто ғоялар атрофида шов-шув кўтариш, кўпчиликнинг диққатини тортиш, узлуксиз харид ва истеъмол қилишни рағбатлантирадиган, буни яшашдан мақсад даражасига кўтарадиган бошқа воситаларни мужассамлаштирган;

- **Оммавий ахборот воситалари.** Газета ва журналлар, телевидение ва радио, шунингдек интернет мазкур тизим буюртмачининг – «оммавий маданият» манфаатини кўзлаган ҳолда унинг турли маҳсулотлари ва хизматлари бўйича жамоатчилик фикрини шакллантиришга хизмат қилади.

«Оммавий маданият»нинг асосий хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

- инсоний муносабатларни тасвирлашда жўнлик, ҳатто ибтидоийлик;
- мазмуннинг эрмак, овунчоғлиги, ҳаммабоплиги;

- омад чопишига ва истеъмолчиликка қарамлик, бадастирликни сингдириш.

«Оммавий маданият»нинг асосий хусусиятлари

«Оммавий маданият»нинг мақсади шунчаки инсоннинг бўш вақтини тўлдириш, унинг ҳордиғини чиқариш бўлмасдан, балки унда истеъмолчилик кайфиятини ҳам рағбатлантирди. Бу эса ўзгалар томонидан бошқариш осон бўлган шахс дунёқарабини ўзгартириш мақсадига йўналтирилган бўлади. Ана шундай шахсларда санъат ва адабиёт асарларига танкидий ёндошиш кузатилмайди, аслида улар мустақил фикрлашга қодир эмаслар, ўртамиёна, енгил ҳазм қилинадиган, бошқаларнинг фикрларини қўллаб-қувватлаган ҳолда урф ҳисобланадиган нарсаларни юқори баҳолайверадилар.

Юқорида баён этилганлардан «оммавий маданият» ўз истеъмолчиларининг интеллектуал ва эстетик эҳтиёжлари саёзлигидан фойдаланган ҳолда уларга сездирмасдан ҳақиқий кадриятларни сохталари ва сунъийлари билан алмаштиришдан далолат беради. Бевосита ана шу юксак кадриятларнинг ахлоқ, тамойиллари, адолат ва адолатсизлик, эзгулик ва ёвузлик, ҳалоллик ва ғирромлик, меҳр-садоқат ва оқибатсизлик тушунчаларининг «оммавий маданият» воситалари орқали алмаштирилиши жамият, айниқса, ёшлар учун ниҳоятда хатарлидир.

«Оммавий маданият»нинг истеъмолчиси ўзи пайқамаган ҳолда шахс сифатида қиёфасини йўқота бошлайди, унда шахсий масъулият ҳисси сусайиб кетади, ҳиссиётлари онг-тафаккурдан устун кела бошлайди, ўзини назорат қила олади. Бундай инсонлар миш-мишларга ишонувчан бўлиб, машҳур кишиларга тақлид қилишга интиладилар.

Шунинг учун мафжуравий хуружлар «оммавий маданият» ниқоби остида шахс ва жамиятга ўзига хос усуллар билан маънавий таъсир ўтказиш тизими вазифасини ўтайди.

Маънавий таъсир кўрсатилаётган шахс гўё ўз қизиқишлари, эҳтиёжлари, ҳатто манфаатларини кўзлаб мустақил ҳаракат қилаётгандек туюлади. Аслида эса у ана шу таъсир ўтказаётган «оммавий маданият» воситаси мақсадларига ўзи англамаган ҳолда хизмат қила бошлайди. Чунки у узатилаётган ахборот манбаларидан бевосита хабардор бўлиш имкониятидан маҳрум ва шу сабабли уларни объектив баҳолашга қодир бўлмайди.

Бевосита «оммавий маданият» тизими орқали оммавий истеъмолчи бошқарилади: бунда бошқариш тўғридан-тўғри буйруқ берилиш орқали эмас, балки оммавий коммуникация технологиялари ёрдамида амалга оширилади. Мазкур технологиялар эрмак тамойили асосига қурилганлиги туфайли оммавий истеъмолчига ҳаётий тажриба ўрнига «оммавий маданият» воситалари тақдим этадиган сохта, сунъий тажриба ўтказилади¹.

Тадқиқотчиларнинг фикрича, «оммавий маданият»нинг шахс, айниқса, ёшлар, умуман жамият учун асосий хавфлари қуйидагилардан иборат:

- шахснинг маданий онгини нотўғри шакллантиради;
- миллий ўзлигини англашга қизиқишни сусайтиради;
- миллий маданият асосларига путур етказди;
- умуминсоний маданий кадриятлар шубҳа остига қўйилади;
- шахсни миллий маънавиятдан узоқлаштиради;
- биринчи ўринга шахс манфаати қўйилади;
- маънавий онг ва инсоний фазилатлар четга сурилади;
- атрофдагиларга беписандлик билан муносабатда бўлиш хусусиятини кучайтиради;

- пировард натижада ҳаётга соғлом ақл билан қараш ўрнига енгил, лаззатли турмуш кечиришга мойил шахсни шакллантиради¹.

Мафкуравий хуружлар оммавий ахборот воситаларидан фақат кенг фойдаланибгина қолинмасдан, уларнинг ўзлари ҳам бундай таҳдидлар манбаи бўлади. Бу борада ахборот таҳдиди кенг қўламлилиги билан ниҳоятда хавфлидир.

Юртимизда фуқароларнинг ахборот олиш, ахборотни ва ўз шахсий фикрини тарқатиш ҳуқуқи кафолатланган. Бу Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида», «Телекоммуникациялар тўғрисида», «Реклама тўғрисида», «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида» ва бошқа қонунларда ўз ифодасини топган.

Нодавлат оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг моддий-техник базаси ва кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш мақсадида ўз таркибида 100 дан ортиқ электрон оммавий ахборот воситасини бирлаштирган Нодавлат электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ташкил этилган.

Мамлакатимизда 1400 тага яқин оммавий ахборот воситалари (ОАВ) мавжуд бўлиб, шундан 700 номда газета, 250 номда журнал, 17 номда бюллетень – ахборотномалари, шунингдек, юздан ортиқ телерадиотармоқлари фаолият кўрсатмоқда, 150 веб-сайт ОАВси сифатида рўйхатга олинган. Мамлакатимизда 4 та ахборот агентлиги ишлаб турибди¹.

Ўзбекистонда кейинги йилларда сунъий йўлдош алоқа тармоғи орқали телерадиодастурларни тарқатиш йўлга қўйилди. Бугунги кунда мамлакатимиз телекоммуникациялар тизими дунёнинг 180 мамлакатига 28 та йўналиш бўйича тўғридан тўғри чиқадиган халқаро каналларга эга. Юртимиздаги телерадиоканаллар томонидан тайёрланаётган кўрсатув ва эшиттиришлар бутун дунёга он-лайн тизимида узатилмоқда.

Бугунги кунда оммавий ахборот воситаларининг энг таъсирчан воситаларидан бири интернет тармоғидир. У инсон ақл-заковатининг маҳсули, билим ва ахборотларни тарқатишда, турли хизматлар кўрсатишда бебаҳо восита. Айни пайтда жиддий ахборот хуружлари бевосита интернет орқали амалга оширилаётганини ҳам унутиб бўлмайди. Ушбу тизимга исталган одам ёлғон маълумотларни киритиб, одамларни чалғитиши, жамоатчилик фикрини нотўғри шакллантириши мумкин. Бу глобал ахборот-коммуникация тизимлари, бошқа оммавий ахборот воситалари орқали маънавий қашшоқликка етаклайдиган таркидунёчилик, одамовилик, ўз шахсий ҳаётини улуғлаш, меҳр-оқибатсизлик ва шафқатсизликни очик-ойдин тарғиб қилиб келмоқда.

Сўнгги йилларда жаҳонда содир бўлаётган нохуш воқеаларнинг аксарияти, ҳатто давлат тўнтаришларини амалга оширишда ҳам глобал тармоқдан фойдаланилаётганлигини инкор этиб бўлмайди.

Ўзбекистонда интернет тармоғи жадал ривожланишда давом этмоқда. Айни пайтда мамлакат аҳолисининг учдан бир қисми ушбу хизматдан фойдаланмоқда. Мамлакат ёшларининг катта қисми глобал тармоққа уланган. Бу эса, интернетнинг ахборот хуружларидан сергак бўлишни талаб этади.

Ушбу масалада Президентимиз: «бугунги кунда инсон маънавиятига қарши йўналтирилган, бир қарашда арзимас бўлиб туюладиган кичкина хабар ҳам ахборот оламидаги глобаллашув шиддатидан куч олиб, кўзга кўринмайдиган, лекин зарарини ҳеч нарса билан қоплаб бўлмайдиган улкан зиён етказиши мумкин»¹ – деб огоҳлантиришини доимо ёдда тутишимизни англаш лозим.

Сўнгги йилларда кириб келаётган мафкуравий хуружларда фундаментализм ва диний экстремизм шакллари ҳам намоён бўлмоқда. Бунда фундаментализм ва экстремизм ғояларини тарқатишдан

кўзланган асосий мақсад диннинг кадриятларини қайтадан тиклаш эмас, балки ана шу ғоялардан восита сифатида фойдаланиш орқали беқарорликни, диний ва миллатлараро низоларни вужудга келтириш асосий мақсад қилиб олинган.

Фундаментализм ва диний экстремизм хуружларига халқимизда азалдан мужассам бўлган фазилатлар – миллатлараро бағрикенглик, ўзаро ҳурмат кўрсатиш, улар билан баҳамжиҳат яшаш, диний бағрикенглик, дунёвий билимларга интилиш, ўзга халқларнинг илғор тажрибалари ва маданиятини ўрганиш каби хусусиятлари қалқон бўла олади.

ЁШЛАРДА МАФКУРАВИЙ ИММУНИТЕТНИ МУСТАҲКАМЛАШ

Мафкуравий хуружларнинг мамлакатимиз ва жамиятимиз учун жиддий хавфларини бартараф этиш учун нима қилиш керак? Давлатимиз раҳбари таъкидлагандек: «ҳар қандай касалликнинг олдини олиш учун, аввало, киши организмида унга қарши иммунитет ҳосил қилинади. Биз ҳам фарзандларимизни она-Ватанга муҳаббат, бой тарихимизга, ота-боболаримизнинг муқаддас динига садоқат руҳида тарбиялаш учун, таъбир жоиз бўлса, аввало уларнинг қалби ва онгида мафкуравий иммунитетни кучайтиришимиз зарур»¹.

Мафкуравий иммунитет аслида давлат ва миллатнинг маънавий бирлиги бўлиб, уларнинг маънавий соғломлигини ҳимоя қилувчи ғоявий қалқон вазифасини бажаради. Мафкуравий иммунитетни шакллантирадиган ва мустаҳкамлайдиган омиллар ҳам Президентимиз томонидан кўрсатиб берилган. Улар қуйидагилардан иборатдир:

- ҳар қайси инсон ўзлигини англаши;
- қадимий тарихимиз ва бой маданиятимиз, улуғ аجدодларимиз меросини чуқурроқ ўзлаштириш;
- бугунги кунда тез ўзгараётган ҳаёт воқеалигига онгли қараб, мустақил фикрлаш;
- диёримиздаги барча ўзгаришларга дахлдорлик туйғуси билан яшаш¹.

Шахснинг ўзлигини англаши унинг қайси юртнинг фарзанди эканлиги, яъни насл-насаби кимлиги, яшашдан мақсади, ўз шаъни, кадр-қимматини тушуниб етишидан бошланади. Шу маънода ўзбек халқининг ҳар бир фарзанди ўз Ватанининг шонли тарихи, бой тарихий ва маданий мероси, жаҳон фани ва маданиятига, умуман инсоният цивилизациясига бебаҳо ҳисса қўшган буюк аجدодлари билан ҳақли равишда фахрлана олади.

Узоқ ўтмишда, яъни IX–XI асрлардаёқ Бағдоднинг «Байтулҳикма» (Донишмандлик уйи) деган ном билан шуҳрат қозонган академияси каби Хивада ташкил этилган Маъмун академияси бўлганлиги, XV асрда 1018 та юлдузнинг ҳолати ва жойлашуви баён қилинган биринчи янги астрономия жадвалини (Зижи Жаидий Кўрағони) яратган Мирзо Улуғбекнинг илмий мактаби шакллانганлиги билан фахрланмай бўладими?!

IX–XII асрлардаги Шарқ уйғониш даврида буюк мутафаккирларимиз математика, астрономия, физика, кимё, геодезия, фармакология, тиббиёт каби аниқ ва табиий фанлар, шунингдек, тарих, фалсафа ва адабиётнинг раванқ топишига улкан ҳиссаларини қўшганлар. Хусусан, Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий алгебра фанига асос солиш билан бирга, астрономия, география ва иқлим назарияси бўйича ҳам кўплаб илмий асарлар яратган. Бу буюк алломаимизнинг дунё илм-фани ривожига хизматлари

башарият аҳли томонидан эътироф этилган бўлиб, Шарқ олимлари орасида алломанинг номи ва асарлари «алгоритм» ва «алгебра» каби замонавий илмий атамаларда абадийлаштирилган.

IX асрда яратилган «Астрономия асослари» асари Христофор Колумб, Фернанд Магеллан ва бошқа саёҳатчиларнинг кашфиётлари учун илмий асос бўлиб хизмат қилган Аҳмад ал-Фарғоний оламнинг тузилиши, Ернинг ўлчови ҳақидаги дастлабки илмий маълумотларни, сайёрамизнинг шарсимон кўринишга эга экани хусусидаги далилларни ишлаб чиққан. У Нил дарёсида кўп асрлар давомида сув сатҳини ўлчайдиган асосий восита сифатида хизмат қилиб келган «ниломер» машҳур иншоотини яратган.

XI аср бутун дунёда буюк ватандошимиз номи билан «Беруний асри» деб аталади.

Абу Райхон Беруний биринчилардан бўлиб денгизлар назарияси ва Ернинг шарсимон глобусини яратиш юзасидан ўзига хос янги ғояларни таклиф этди. Ер радиусини ҳисоблаб чиқиб, бўшлиқ ҳолатини изоҳлаб бергани, Христофор Колумб саёҳатидан 500 йил аввал Тинч ва Атлантика океанлари ортида қитъа мавжудлиги ҳақидаги қарашни илгари сургани, минераллар таснифи ва уларнинг пайдо бўлиш назариясини ишлаб чиқиб, геодезия фанига асос солгани қалбларимизни ғурур ва фахрга тўлдиради!

«Ислом оламининг энг машҳур файласуфи ва қомусий алломаси ҳамда инсониятнинг энг буюк мутафаккирларидан бири» унвонига сазовор бўлган Абу Али ибн Синонинг ҳаёти ва фаолияти ҳаммамизда алоҳида эҳтиром туйғуларини уйғотиши табиийдир. Алломаимизнинг тиббиёт тарихида энг машҳур бўлган, XV асрда чоп этилган «Тиб қонунлари» асари кейинги бир неча юз йиллар учун тиббиёт фанлари тараққиётининг асосий йўналишларини олдиндан белгилаб берибгина қолмасдан, ҳозирги кунда ҳам ўз долзарблигини йўқотмаганлиги амалий тиббиёт ва фармакология соҳаларининг энг муҳим усулларига асос солганлиги, Европанинг етакчи университетларида қарийиб 500 йил давомида тиббиёт илми айна шу китоб асосида ўқитиб келинаётганлигини инкор этиб бўлмайди.

Биз ислом маданиятининг равнакига бебаҳо ҳисса қўшган муҳаддислар султони Имом Бухорий. Исо Термизий, Имом Мотуридий, Бурҳониддин Марғиноний, Абдуҳолиқ Ғиждувоний, Баҳоуддин Нақшбандий, буюк Соҳибқирон Амир Темурнинг, Алишер Навоий ва Мирзо Бобур каби улуғ маърифат-парварларнинг авлодига мансуб эканлигимизни ҳис этишдан кўнглимиз тоғдек кўтарилади.

Ўзлигини англай бошлаган кишигина шахс даражасига кўтарилади. Демак, ўзликни англаш, аввало ҳар бир инсоннинг шахси, алоҳида «мени» билан боғлиқ. Ўзлигини англаган инсон маънавий юксалишга эришади, ҳар қандай шароитда эзгуликка интилади. Буюк мутафаккир бобомиз Алишер Навоий:

*Одами эрсанг, демагил одами,
Ониким йўқ, халқ ғамидин ғами, –*

деганларида, биринчи навбатда, инсон ўзлигини англашини ижтимоий муносабатлар асосида кўриши зарурлигига алоҳида урғу берганди.

Давлатимиз раҳбари ҳам: «Ўзини англаган инсон ўзи учун нима фойдалилиги ва нималарга қодир эканлигини яхши тушунади. У қўлидан келадиган иш билан шуғулланиш асносида ўз эҳтиёжини қондиради ва саодатга эришади. Ҳар қандай хато ва бахтсизликлардан холи бўлади. Бунинг натижаси ўлароқ, у ўзга одамларни кадрлай олади ва улардан эзгулик йўлида фойдалана билади. Оқибатда ўзини кулфатлардан асрайди»¹ – деб кўрсатган.

Шу билан бирга қадимий тарихи ва бой маданиятини, улуғ аجدодларининг меросини чуқур ўзлаштирган, яъни ўзлигини тўлиқ англаган шахснинг маънавий имунитети мустаҳкам бўлиши шубҳасиздир.

Ҳозирги шиддаткор замонда дунёдаги геосиёсий қарама-қаршиликлар, ўз таъсир доирасини кенгайтиришга қаратилган кураш кучайиб бормоқда, минтақамизда, бизга узоқ ва яқин мамлакатларда хавф-хатарлар ортиб бормоқда. Сиёсий ва иқтисодий қарама-қаршиликлар авжига чиқиб, терроризм ва экстремизм ҳаракатларига, қон тўкилишларга олиб келаётгани, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг, дунё бозорларидаги ноаниқлик ва тангликнинг давом этиши барчадан ҳушёрлик ва сезгирликни талаб этади.

Шуниси эътиборга молики, мамлакатимизда мустақил фикрлайдиган, замонавий билим ва касб-ҳунарларга эга, ҳаётга янгича қарайдиган, собиқ мустабид тузумга хос тушунчалардан озод бўлиб вояга етаётган, ўз фикри ва қарашларига эга бўлган навқирон авлод ҳаётга ишонч билан кириб келмоқда. Шуниси аҳамиятлики, улар ватанимиз тараққиёти йўлида ҳал қилувчи кучга айланмоқда.

Мамлакатимизда 1997 йилда қабул қилинган кадр-лар тайёрлаш миллий дастури ижобий маънодаги «портлаш эффекти»ни ҳосил қилди. Давлатимиз ушбу миллий дастурни қабул қилар экан, ҳозирги замонда демократик тараққиёт, модернизация ва янгиланиш соҳасида белгиланган мақсадларга эришишда энг муҳим кадрият ва ҳал қилувчи куч бўлган билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш вазифасини ўзининг устувор йўналишларидан бири қилиб белгилади.

Юртимиздаги мактабларнинг деярли барчаси янгидан қурилиб, капитал реконструкция қилиб, замонавий ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари билан таъминланди. Шунингдек, 1500 дан ортиқ янги касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар барпо этилди.

Мустақиллик йилларида олий ўқув юртларининг сони икки баробар ортди. Бугунги кунда уларда 230 мингдан зиёд талаба таълим олмоқда. Юртимизда Буюк Британиянинг Вестминстер университети, Сингапурнинг менежментни ривожлантириш институти, Италиянинг Турин политехника университети, Россия нефть ва газ университети, Москва давлат университети, Россия иқтисодиёт университети, Жанубий Кореянинг Инха университети каби халқаро обрў-эътиборга эга бўлган етакчи олий ўқув юртларининг филиаллари ташкил этилиб, муваффақиятли фаолият юритмоқда.

Ўзбекистонда таълим тизимини тубдан ислоҳ этиш ёшларнинг дунёқарашини ўзгартириш, уларнинг сиёсий ва фуқаролик фаоллигини, ўз келажагига бўлган ишончини оширишнинг энг муҳим омили ва мустаҳкам асоси бўлди. Бугун мамлакатимиз аҳолисининг 62 фоиздан ортиқ қисмини 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этади. Бу юқори билимли, эътиқоди мустаҳкам, Ватанига садоқатли ёшлар миллий иқтисодиётни модернизация ва диверсификация қилишда, кадрлар таркибини сифат жиҳатидан янгилашда, юртимизнинг тараққий топган демократик давлатлар қаторига кўтаришда қудратли омил вазифасини ўтамоқда.

Ватанга муҳаббат ҳисси инсоннинг қалбида табиий равишда туғилади. Яъни, том маънодаги шахс ўзлигини англагани, насл-насабини билгани сари юрагида Ватанга муҳаббат туйғуси илдиз отиб, юксала боради.

Мафкуравий иммунитетни мустаҳкамлашда ҳар бир ватандошимиз: «Шу давлат, шу жамият менга нима берди?» – деб эмас, балки: «Мен ўзим Ватанимга, халқимга нима бердим?» – деб фикрлашига, фуқароларимизнинг Ватан манфаати ва равнақи учун фидойи бўлишига эришиш асосий мақсадимиздир.

Юксак инсоний фазилатларни мафкуравий иммунитетнинг қон томирлари деб аташ мумкин. Миллий табиатимизга хос бўлган меҳр-оқибат, мурувват, андиша, ор-номус, шарму ҳаё, ибo ва иффат каби бетакрор фазилатлар билан бирга халқимизни кўп жиҳатдан ажратиб турадиган бағрикенглик, меҳмондўстлик, оққўнгиллилик сингари ҳислатлар оилада қарор топади.

Шу боисдан ҳар бир инсон учун Ватан, инсонийлик тушунчаси, аввало, оиладан бошланади. Шунинг учун оилада ва мафкуравий иммунитет тушунчалари чамбарчас боғлиқдир. Халқимизнинг «Қуш уясида

кўрганини қилади», деган мақоли замирида улкан маъно яширинганлигини кўришимиз мумкин. Бу борада оиланинг тарбиявий-ахлоқий аҳамияти, кадр-қимматини англаб етмасдан, оилага миллат манфаати нуқтаи назаридан ёндашмасдан туриб, мафжуравий иммунитетни шакллантириш осон кечмайди.

Маҳалла халқимизга хос ўзини ўзи бошқариш тизимининг ноёб тизимидир. Президентимиз таъбири билан айтганда, «*она юрт рамзи*» ва «*таъсирчан ижтимоий фуқаролик идораси*»га айланган маҳалла миллий ва умуминсоний қадриятлар – дўстона қўшничилик ва ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат, инсонпарварлик, ёшларни ватанпарварлик, жамият олдидаги ўз бурчи ва жавобгарлигини теран англаш руҳида тарбиялаш мақсадларига хизмат қилмоқда.

ЖАҲОЛАТГА ҚАРШИ МАЪРИФАТ

Мафкуравий хуружларга, яъни жаҳолатга қарши қандай курашиш керак? Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 25 августдаги «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги ПҚ-451-сон Қарорида аниқ кўрсатиб берилган. Мазкур Қарорда халқаро майдонда мафкуравий, ғоявий ва информацион курашлар кучайиб бораётган ҳозирги мураккаб ва таҳликали замонда маънавий-маърифий ишларни илғор талаблар асосида ташкил этиш, ёшларимизни турли мафкуравий хуружлардан ҳимоя қилиш, юртдошларимизнинг ҳаётга онгли муносабатини шакллантириш, ён-атрофда юз бераётган воқеаларга дахлдорлик ҳиссини ошириш, мамлакатимиз мустақиллиги, тинч-осойишта ҳаётимизга хавф туғдириши мумкин бўлган тажовузларга қарши изчил кураш олиб бориш учун қуйидаги чораларни кўриш белгилаб берилган:

- миллий ғоя ва мафкура масаласи билан боғлиқ долзарб масалаларни, бугунги мураккаб мафкуравий жараёнларни илмий-амалий жиҳатдан атрофлича таҳлил қилиш ва баҳолаш, устувор йўналишларни аниқлаш, уларни аҳолининг турли қатламларидаги таъсирини ўрганиш, миллий манфаатларимизга, ҳаёт тарзимизга зид бўлган зарарли ғоялар ва мафкуравий хуружларнинг моҳиятини очиб бериш;

- халқимизнинг кўп асрлик маънавияти ва миллий қадриятлари, диний қарашлари ва ҳаётий удумларига, ёшларимизнинг онгини заҳарлаб, маънавий жиҳатдан қарам этишга қаратилган мафкуравий ҳаракатларга қарши самарали кураш олиб бориш бўйича илмий-амалий дастурларни ишлаб чиқиш;

- фуқароларимиз қалбида миллий тафаккур ва соғлом дунёқараш асосларини мустаҳкамлаш, уларнинг онгли яшашга, ўз фикрига эга бўлишга, турли маънавий тажовузларга қарши собит тура олишга қодир бўлган, иродали, фидойи ва ватанпарвар инсонлар этиб тарбиялашга йўналтирилган амалий тавсиялар тайёрлаш. Бу борада маънавий-маърифий тарғибот ишларининг таъсирчанлигини таъминлайдиган замонавий ахборот технологиялари ва механизмларини, жамиятимизнинг мафкуравий иммунитетини кучайтиришга қаратилган самарали услубларни ишлаб чиқиш, давлат ва жамоат ташкилотлари учун тегишли тавсия ва таклифлар тайёрлаш масаласига алоҳида эътибор қаратиш;

- ўз фаолияти доирасида амалга оширилган илмий изланишлар натижаларини, таҳлилий материалларнинг хулосаларини оммавий ахборот воситалари орқали мунтазам равишда чоп этиб, кенг жамоатчиликка етказиш¹.

Ушбу вазифаларни амалга ошириш Республика Маънавият ва маърифат Кенгаши томонидан мувофиқлаштириб борилмоқда. Мазкур Кенгаш ҳузурида ташкил этилган Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази бу борада кенг қўламли илмий тадқиқотлар билан биргаликда амалий чора-тадбирларни ташкил этиб келмоқда.

Кенгаш ҳузуридаги яна бир ташкилот Республика Маънавият тарғибот маркази ҳам ўз фаолиятини такомиллаштириб, аҳолининг кенг қатлами, авваламбор, ёшлар ўртасида Ватанга муҳаббат ва садоқат, инсонпарварлик фазилатларини тарбиялаш, миллий урф-одат, анъана ва қадриятларнинг ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамиятини тарғиб этишга йўналтирилган турли давра суҳбатлари ва учрашувлар, маънавий-маърифий тадбирларни мунтазам равишда ўтказиб келмоқда. Марказ сиёсатшунослар, олим ва мутахассислар, ижодкор ва зиёиларни кенг жалб қилган ҳолда меҳнат жамоаларида, таълим муассасалари ва маҳаллаларда юртимизга қарши қаратилган ғоявий, мафкуравий хуружлар, уларнинг ортида турган кучларнинг ғаразли мақсадларини фош қилишга, одамларни хушёрлик ва огоҳликка даъват этишга йўналтирилган самарали тарғибот ишларини олиб бормоқда.

Мамлакатимиз таълим муассасаларининг ўқув дастурларига «Миллий истиқлол ғояси» ва «Маънавият асослари», «Ватан туйғуси», «Одобнома» дарслари киритилган. Ушбу дарслар электрон дарсликлар, кўргазмали видеороликлар ва тақдимотлардан фойдаланилган ҳолда асосан бахс-мунозара, савол-жавоб тарзида ўтилади.

Миллий истиқлол ғоясини чуқур идрок этган онг ҳар қандай кучли мафжуравий хуружларнинг бузғунчи, вайронкор таъсирига бардош бера олади. Бунинг учун эса ҳар қайси шахс инсонпарвар, бунёдкор маънавият измида бўлиши лозим. Шу туфайли ота-боболаримиз ақл-идрокни ёвузлик қўлига тутқазмасликка ҳаракат қилганлар, уни маънавият билан, иймон-эътиқод, инсоф ва диёнат билан бошқаришга алоҳида эътибор берганлар. Бу тамойил халқимиз руҳини, даҳосини акс эттирувчи ўлмас қадриятлар билан узвий боғлиқдир. Хусусан, буюк аجدодимиз, Соҳибқирон Амир Темурнинг «Куч – адолатдадур» деган нақли маънавиятимизнинг шиори бўлишга арзигулик.

Миллий истиқлол ғояси ҳар бир фуқаромизнинг, ҳар бир ёшнинг қалбини эгалласа, улар маънавий-руҳий ҳолатининг узвий қисмига айланса, Ватан, жамият манфаатларига йўналтирилган фаолликка даъват этувчи, рағбатлантирувчи қудратли кучга айланиши шубҳасиздир. Шу боисдан мафжуравий хуружларга қарши курашда ахборот хавфсизлигини таъминлаш ҳам ниҳоятда муҳимдир. Ахборот хавфсизлиги қуйидагиларни қамраб олади:

- Муҳофаза қилинаётган ахборотнинг айланиши, уни сақлаш ва тарқатиш соҳасидаги амалдаги қонунлар, бошқарув ва меъёрий материаллар, бандлар, кўрсатмалар, қоидалар ва ҳоказоларни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилади;
- ахборот муҳофазаси соҳасида бошқарув ва лойиҳа ечимларини белгиловчи жами ҳужжатлар;
- ахборотнинг бошқарилиши, муҳофаза қилиниши ва тарқатилиши асосланган жами қонунлар, қоидалар ва амалий тажрибалар;
- компьютер муҳофазасини таъминлаш учун танланган режа ёки ҳаракатлар йўналиши;
- муайян ташкилотда бошқарув сиёсати. Бошқарув объектлари қаторига конфиденциал ахборот ёки чекланган фойдаланувчилар доираси учун мўлжалланган ахборотни қабул қилиш, унга ишлов бериш ва узатиш қиради¹.

Бугунги глобаллашув шароитларида мураккаб мафжуравий жараёнларга сергаклик билан муносабатда бўлиш, аҳоли турли қатламларига, айниқса ёшларга зарарли ғоялар ва мафжуравий хуружларнинг моҳиятини очиб бериш алоҳида муҳим аҳамиятга эгадир. Ана шу долзарб вазифа таълим муассасалари, илмий-тадқиқот институтлари, республика Маънавиянинг мазкур йўналишдаги фаолиятларини янада такомиллаштиришни талаб этади.

Ахборот хавфсизлигини таъминлашда эса қуйи-даги чораларни қўллаш мақсадга мувофиқдир:

1. Ахборотнинг эгасига зарар келтирадиган тасодифан ёки қасддан қилинган таҳдидларга (хавф-хатарларга) чидамлилигининг умумлашган хоссаси.
2. Ахборотнинг ҳолати. Бу ҳолат ахборот ташувчисининг (ахборотлаштириш объекти, маълумотларни узатиш тармоғи ва бошқаларни) уни қайта ишлаш, сақлаш ва узатишда ахборотнинг конфиденциаллик, бутунлик ва киришимлилик каби хусусиятларга эга бўлиб қолишни таъминлаш қобилияти билан тавсифланади.
3. Ахборотнинг чиқиб кетиши, сохталаштирилиши, ошкор бўлиши, бузилиши, қамал қилинишига олиб келувчи берухсат тасодифан ёки қасддан қилинган амаллардан муҳофазаланганлиги.
4. Ахборот муносабатлар субъектига зарар етказиш мумкинлиги билан боғлиқ бўлган хавф эҳтимолининг йўқлиги.
5. Жисмоний ва юридик шахслар ҳамда давлатнинг ахборот соҳасида муҳофаза қилинганлик ҳолати.

6. Ахборот хавфсизлиги 3 та асосий таркибий қисмлардан иборат:

а) конфиденциаллик – нозик ахборотни рухсатсиз олишдан муҳофаза қилишга тегишли;

б) бутунлик-ахборот ва дастурли таъминотнинг аниқлиги ва тўлқинлигини муҳофаза қилиш дегани;

в) киришимлилиқ – бу ахборот ва хизматларнинг фойдаланувчи учун керакли пайтда фойдаланиш осонлигини таъминлаш.

7. Ахборот ва қўллаб-қувватловчи инфратузилманинг муҳофаза қилинганлиги.

ХУЛОСА

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, одамзотнинг моддий олами қанчалик мураккаб ёки серқирра бўлмасин, унинг маънавий олами ҳам шунчалик мураккаб ва ранг-барангдир. Дунёдаги ғоя ва мафжуралар, туйғу ва тушунчалар қадрият ва анъаналар, фалсафа ва қарашлар инсоннинг ички олами, унинг маънавий эҳтиёжлари ҳам ғоят жозибали, ақл бовар қилмайдиган даражада тез ўзгарувчан эканлигини кўрсатади. Бизнинг мамлакатимиз Шарқ ва Ғарб цивилизацияси туташидиган Марказий Осиё минтақасида жойлашгани учун бу ерда қадимдан турли давлатларнинг сиёсий қучлари манфаатларини бирлаштириб келган. Бугунги кунда бундай жараён глобаллашув ва ахборот асрида янгича шаклда намоён бўлмоқда. Воқелик шу даражадаки ахборот даврини ман этиш энг қучли давлатнинг ҳам қўлидан келмайдиган ишга айланди. Натижада, дунё халқларини таҳликага солувчи «Ахборот уруши», «Психологик уруш» каби тушунчалар бу даврнинг асосий тушунчаларига айланиб қолди. Дунёнинг мафжуравий манзарасида иккита қучнинг ўзаро қураши аниқ кўзга ташланмоқда. Буларнинг биринчиси – тараққиёт сари интилаётган халқларнинг илғор мафжураси, иккинчиси эса, ана шу тараққиёт натижаларидан фойдаланиб, уларнинг йўлига ғов бўлишга уринаётган зарарли ва бузғунчи мафжуралар. Лекин дунё манзараси қанчалик мураккаб бўлмасин, унда бунёдкор ғояларнинг асрлар давомида инсониятга хос бўлиб келган соғлом ақл-идрокнинг устунлиги яққол кўриниб турибди. Бу эса, эзгулик охир оқибатда ғалаба қозонади, деган қўхна ҳақиқатни яна бир бор тасдиқлайди.

Шу боисдан дунёда гегемонлик қилишга уринаётган айрим давлатларнинг интернет ва бошқа тезкор воситалардан тарқатаётган мафжуравий хуружларга қарши қурашишнинг бирдан бир йўли тарбиядир. Миллий тарбияни қучайтириш ва шу орқали ёшларимиз онгида оқ билан қорани, зарар билан фойдани, дўст билан душманнинг фарқига бора оладиган тафаккурни шакллантиришда оила, маҳалла, эл-юрт, устоз-мураббийлар олдида ўта муҳим вазифа кўндаланг бўлиб турибди. Бу тарбия заминиди ватанпарварлик, инсонпарварлик умумбашарий қадриятларга ҳурмат туйғуси юқори даражада туриши лозим.

МУНДАРИЖА

Кириш	3
Мафкуравий хуружларнинг туб моҳияти	5
Ёшларда мафкуравий иммунитетни мустаҳкамлаш	17
Жаҳолатга қарши маърифат	24
Хулоса	29

И. САИФНАЗАРОВ, Ф. САИФНАЗАРОВА

МАФКУРАВИЙ ХУРУЖЛАР НИМА?

Тошкент «Маънавият» 2015

Мухаррир *Р. Қўчқоров*

Мусаввир *Ш. Соҳибов*

Мусаҳҳиҳ *О. Пардаев*

Компьютерда тайёрловчи *И. Аҳмедов*

Лицензия А1 №189, 10.05.2011 й. да берилган. Босишга 20.05.2015 й.да рухсат этилди. Бичими 84x108 ¹/₃₂. Таймс гарнитураси. Офсет босма
усулида босилди. Шартли б. т. 1,68. Нашр т. 1,98. 1000 нусха.
Буюртма № 15-50. Нархи шартнома асосида.

«Маънавият» нашриётида чоп этилди. 100047. Тошкент,
Тараққиёт 2-беккўча, 2-уй. Шартнома 13–15.